

Тараққиёт кўзгуси

Мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган 25 йили давомида барча соҳада олиб борилган кенг қамровли ислохотлар бугун юксак натижалар бермоқда. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли турмуш фаровонлиги тобора ортиб бораётгани, энг муҳими, одамларда эртанги кунга ишонч туйғуси мустаҳкамланаётгани фикримиз далилидир.

Ўз навбатида, транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш, хусусан, ягона ҳамда яхлит темир йўл тизимини барпо этиш ва шу орқали дунё бозорига янги йўллар очиш, юртимизни бошқа минтақалар билан боғлаш мақсадида амалга оширилаётган тизимли ҳамда босқичма-босқич чоратadbирлар халқимизга янада қулайлик яратишга хизмат қилаётгани билан алоҳида аҳамиятга молик.

Шубҳасиз, бунда узоқ истиқболга мўлжалланган махсус дастурлар ва лойиҳалар асосида рўёбга чиқарилаётган улкан бунёдкорлик ишлари муҳим омил бўлмоқда. Зеро, бунинг самарасида ўтган йигирма беш йилда янги темир йўл линиялари барпо этилиб, асосий транзит участкалар реконструкция қилинди ва электрлаштирилди. Янги йўналишлар очилиб, янги йўллар, вокзаллар қурилди, мавжуд темир йўл вокзаллари таъмирланди.

Эътироф этиш жоизки, бундан беш йил аввал, Истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида “Тошкент — Самарқанд” йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган “Afrosiyob” поезди қатнови йўлга қўйилган эди. Кейинчалик бу борадаги ишлар бошқа йўналишларда ҳам давом эттирилди. 2015 йилда “Мароқанд — Қарши” темир йўл линиясини электрлаштириш ишлари якунига етказилди ҳамда мазкур поезд Қарши шаҳрига қатнай бошлади.

Ўтган ҳафтада эса юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” поездининг “Тошкент — Бухоро” йўналиши бўйича қатнови йўлга қўйилгани ҳам халқимиз фаровонлигига қаратилган эзгу ишларнинг мантикий давоми бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда меҳнат фахрийлари, тармоқ қурилишида фаол иштирок этган темир йўлчилар ва ёшлар вакиллари бу поезднинг биринчи йўловчилари бўлди. Улар Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида юртдошларимиз томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Дарҳақиқат, темир йўлчиларимиз самарали меҳнати туфайли “Тошкент — Бухоро” тезюлар маршрутнинг фойдаланишга топширилиши энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик тантаналари олдидан халқимизга муносиб тўёна бўлди.

Мазкур лойиҳа мамлакатимиз раҳбарининг 2015 йил 26 мартдаги қарорига асосан амалга оширилиб, қисқа муддатда “Самарқанд — Бухоро” йўналишидаги мавжуд темир йўл линиялари реконструкция қилинди, янги пўлат излар ётқизирилиб, электрлаштирилди.

Авваллари йўловчилар Тошкент ва Бухоро ўртасидаги масофани поездда 7-8 соатда босиб ўтган бўлса, эндиликда атиги уч соату 20 дақиқада ўз манзилларига етиб оладилар. Таъбир жоиз бўлса, мазкур поезд бугунги тараққиётимиз кўзгусидир. Бу каби эзгу ишлар мисолида “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдиқ?!” деган саволга жавоб топган халқимиз қалбида шукроналик, фахр-ифтихор туйғулари кечаётганига гувоҳ бўлдиқ.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда янги тезкор темир йўл тармоғининг очилиши ўзбек мутахассислари, инженер ва техник ходимларининг бугунги салоҳияти нақадар юксак эканининг ҳам яна бир исботи бўлди.

Ушбу тезюарар поезднинг йўлга қўйилиши халқимизнинг эзгу мақсадлар йўлида амалга ошираётган ишларини янада кенгайтиришга, тараққиётнинг янгидан-янги довларини биргаликда эгаллашимизга хизмат қилади. Бу эса ислохотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганининг амалий ифодасидир.

Баҳром НИЁЗМАТОВ,

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси.**

(Халқ сўзи, 31 август 2016 йил)